



20 20 у « 21 » май

№ Қ-217

« » 20 г

**Узун тумани Б.Омонов СИУ худудидан
“UZUN CHINOR AGRO” МСНЖга
“Иссиқхона” қуриш учун ер майдони
ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 20 мартдаги 4246-сон қарорига асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 13 апрелдаги 05-02/181-сон йиғилиш баёни ва Узун тумани ҳокимининг 2020 йил 20 мартдаги 01-05/111-сон хатини кўриб чиқиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 13 апрелдаги 05-02/181-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Узун тумани Б.Омонов СИУ худудидан “UZUN CHINOR AGRO” МСНЖга “Иссиқхона” қуриш учун туман ҳокимлиги захирасидаги қишлоқ хўжалик харитасининг 272қ-дала контуридаги тупроқ унумдорлиги 43 балл бонитетли 1,0 гектар суғориладиган экин ер майдони 10 йил муддатга (вақтинча) фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. “UZUN CHINOR AGRO” МСНЖ раҳбари А.Улаевга:
ажратилган ер майдонидан фақат иссиқхона ташкил этиш учун фойдаланиши;

етиштирган маҳсулотларни экспорт қилиши;
мақсадсиз фойдаланганда ажратилган ер майдони туман ҳокимлиги захирасига қайтариб олиниши кўрсатиб ўтилсин.

4. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Узун тумани ҳокимлиги (Б.Турсунов) ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари Х.Саматов ва А.Ориповлар зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов